УзССР Давлат матбуот қўмитаси
Ички ишлар вазирлиги
Республика ички ишлар ходимлари

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1994 йил, 1 февраль, сешанба № 15 (331) ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 1 февраля 1994 г. № 15 (331) ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● ВЕСТИ ИЗ ВОЕННЫХ УЧИЛИЩ

ТРЕБУЕТ СЕРЬЕЗНОГО ОТНОШЕНИЯ

Прошло полгода, как А. Акбаров, Е. Павлов, А. Голованов и их товарищи успешно сдали экзамен на спецфакультет Ташкентского электротехнического института связи. Нелегкими были эти месяцы для первокурсников. Занятия по высшей математике, физике, инженерной графике, которые ведут преподаватели И. Шопен, В. Канский, А. Атабаев, требуют от студентов самого серьезного отношения к учебе.

И хотя умелые преподаватели, прекрасно оборудованные аудитории, отличная база для практических занятий помогают осваивать сложнейшую современную технику, многое зависит и от тех, кто решил стать офицером войск связи.

Как показывают итоги первой сессии, настроение у слушателей отличное и они уверенно преодолевают первые трудности.

А. СМИРНОВ,
студент 1-го курса

Из отпуска—в караул

Прошел самый первый, самый радостный для курсантов 1-го курса Ташкентского ВОКУ отпуск. Не успел взвод, где служит младший сержант А. Саттыев, обменяться первыми впечатлениями, как поступила команда на заступление в караул.

Ни снег по колено, ни обжигающий ветер, ни отсутствие большого опыта несения службы на посту не помешали курсантам М. Дадабаеву, С. Халилову и их товарищам нести службу бдительно, стойко перенося все ее тяготы. Начальник караула лейтенант Т. Насруллаев остался доволен своими подчиненными, их добросовестностью, старательностью в выполнении требований устава, стойкостью, четкими и уверенными действиями по взводным. Эти курсанты станут достойными офицерами Вооруженных Сил нашей республики.

Курсант Б. РАХМАТОВ.

● КОМАНДИРСКАЯ ПОДГОТОВКА

ПРЕДМЕТ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ГОРДОСТИ

Умение владеть стрелковым оружием всегда было предметом профессиональной гордости любого офицера. В подразделении, где служит капитан Н. Махмудов, в ходе занятий по командирской подготовке особое внимание уделяют личной огневой выучке офицеров.

На стрельбище, где недавно проходило занятие, погода не баловала офицеров. Ветер и мокрый снег — не самые лучшие условия для выполнения упражнения учебных стрельб из стрелкового оружия. Проведенный до занятия опрос показал, что командиры взводов и рот отлично знают материальную часть стрелкового оружия, правила стрельбы и условия выполнения упражнений. Теперь им предстояло на огневом рубеже продемонстрировать навыки владения оружием.

Поступила команда «На огневой рубеж — к бою» — и первая смена готова к открытию огня. Офицеры действуют спокойно и уверенно.

— Огонь!

Едва только в заснеженной дали появляются серые фигуры целей, как раздаются первые короткие очереди. Одна за другой мишени опускаются — командиры взводов не знают промаха.

При подведении итогов занятия руководитель отметил высокую огневую выучку офицеров подразделения. Особенно отличились старший лейтенант А. Анаркулов, лейтенанты Ж. Четвериков и Р. Кулибаев, сразившие все цели с первых очередей. Вот и секрет высокого авторитета этих офицеров среди подчиненных солдат и сержантов.

Капитан Б. ДЖУРАЕВ.

Хайдовчиликнинг ҳам шарафли ҳарбий касб эканлиги аён. Унинг моҳир устаси бўлиш — жанговар талабнинг асосий жиҳатидир. Шунга ҳали тушунган кичик сержант Равшан Шокиров бор билими ва имкониятини ишга солмоқда. Бу билан у командирларнинг олқишига сазовор бўлаётир.

Сурат муаллифи В. ЛЕШЧЕНКО.

ЧИТАЙТЕ В НОМЕРЕ:

1 ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА
2 ИСПОВЕДЬ ОСУЖДЕННОГО
3 ЕҚУББЕК БАДАВЛАТ
4 МУЗЫКА НЕ ЗНАЕТ ГРАНИЦ

РЕСПУБЛИКАДА — В РЕСПУБЛИКЕ

● Указом Президента Республики Узбекистан В. А. Чжен назначен заместителем премьер-министра Республики Узбекистан по управлению государственным имуществом и приватизации.

● Указом Президента Республики Узбекистан Ш. Р. Гафуров освобожден от должности председателя Комитета Республики Узбекистан по управлению государственным имуществом и приватизации в связи с переходом на другую работу.

● Национальная авиакампания «Узбекистон хаво йуллари» открыла новые регулярные авиарейсы между Наманганом и Санкт-Петербургом с посадкой в Казани.

Вскоре авиаторы Узбекистана возобновят рейсы из Намангана в Москву, а также откроют маршрут Наманган—Екатеринбург. Если поначалу эти рейсы будут выполняться раз в неделю, то летом — три раза в неделю.

● Из Алматы в Нукус прибыл скорый пассажирский поезд «Арал». Это — первый рейс фирменного поезда, который открыл регулярное железнодорожное сообщение между столицами Казахстана и Каракалпакстана. Пока «Арал» будет курсировать раз в неделю. Время в пути — 54 часа.

● Кабинет Министров Республики Узбекистан принял постановление «Об изменении розничных цен и тарифов на топливо, энергию и услуги, реализуемые населению», согласно которому с 1 февраля 1994 года за один проезд в метро, трамвае, троллейбусе и автобусе устанавливается предельный тариф в размере 50 сум-купонов; в жестких автобусах — 8,5 сум-купона и в мягких автобусах — 12,5 сум-купона за каждый километр пробега — на пригородные пассажирские автоперевозки. Действующие в настоящее время льготы отдельным категориям населения для проезда городским и пригородным пассажирским транспортом сохраняются.

● Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи олти турда маҳсулот чиқара бошлади. Йил мобайнида 1 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинди.

Бу корхона маъмуриятига ижтимоий муҳофазани кучайтириш имконини бермоқда. Ўтган йили 251 нафар оила янги хонадонларга кўчиб кирди, якка тартибда уй-жой қураётганларга 18 миллион сўм имтиёзли қарз берилди.

● Урганч Силикат корхонасининг қуввати бир ярим баробар ўсди. Энди у йилига 90 миллион дона сифатли қурилиш ашёси тайёрлай олади. Бунга ишлаб чиқаришга янги технологияни жорий қилиш орқали эришилди.

● Урганчга уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларига аталган тиббий дори-дармон ортилган юк машиналари келди.

Бу Олмония Қизил Хоч жамиятининг Орол фожиасидан зарар кўрган минтақага юборган инсонпарварлик ёрдамидир.

● Қўқон шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маҳалласида ҳашар асосида маданий-маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар қурилди. Замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган поликлиника ишга тушди.

ҲАМДЎСТЛИКДА — В СОДРУЖЕСТВЕ

● Осуществляемый в два этапа призыв молодых россиян на действительную военную службу существенных поправок в сложившуюся ситуацию с комплектованием войск и сил флота людским контингентом не внес.

Вооруженные Силы продолжают испытывать значительную нехватку солдат и сержантов, что не лучшим образом сказывается на боеготовности частей и кораблей.

● Гарбнинг 16 давлати жаҳон банки раҳбарлигида Иарижда ўтказилган навбатдаги йиғилишида Қозоғистон Республикасига 1 миллиард доллар миқдорида молиявий ёрдам беришга қарор қилди.

● Из-за неуплаты денег хлеборобам Казахстана за их продукцию его сельское хозяйство как никогда отстаёт в подготовке к посевной. Подобное положение и в Российской Федерации.

● Указом Б. Ельцина Евгений Шапошников назначен представителем президента в Комиссии по торговле оружием и техникой.

● Хабаровскнинг аҳоли кўп яшайдиган бир нечта райони иссиқ сув билан таъминланмаётир. Сабаби, ёқилғи — мазутнинг йўқлиги. Уни сотиб олишга эса пул ҳам йўқ.

● Владивостокда сохта пул кўпайиб кетгани сабабли, кўпгина сотувчилар 50 минг рубллик пулларни олишдан бош тортмоқдалар.

ЖАҲОНДА — В МИРЕ

● Руминия Президенти ҳузуридаги ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳат гуруҳи бозор иқтисодиётининг румнча андазасини ишлаб чиқишни таклиф этмоқда.

● Опросы общественного мнения в ЮАР показали, что Африканский национальный конгресс, крупнейшая политическая сила в стране, получит на первых всеобщих выборах 27 апреля не менее 65 процентов голосов избирателей и возглавит правительство национального единства.

В связи с этими прогнозами крупные бизнесмены Запада срочно отзывают свои капиталы, размещенные в ЮАР, боясь возможной волны национализации. Остановит ли этот процесс обнародование экономической программы АНК, произошедшее на днях? Вопреки ожиданиям, она не отличается особым радикализмом. АНК намеревается твердо придерживаться рыночных отношений в экономике и уважать частную собственность.

● «Ариан» номли ракетанинг парвози муваффақиятсиз тугади. Франциянинг Куру космодромидан учирилган ракетанинг учинчи босқичи ишламай қолди ва денгизга қулаб тушди. У Туркиянинг дастлабки ер сунъий йўлдошини ҳамда Европа йўлдошлараро алоқа ташкилотига тегишли навбатдаги ер йўлдошини орбитага олиб чиқиши керак эди.

● Руководитель болгарского Комитета по правам человека обратился с просьбой к президенту страны о помиловании Тодора Живкова, осужденного к лишению свободы на семь лет.

Велко Вылканов считает «приговор очень спорным с правовой точки зрения и унизительным для достоинства главы Болгарского государства.

● «Индонезия атом электр станцияларидан фойдаланишни мўлжалламоқда» — деди Президент Сухарто мамлакат пойтахтида бўлиб ўтган Энергетика кўргазмасида. Индонезияда янги асрнинг бошида дастлабки АЭСни қуриб тушириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

● Торговля Индии со странами СНГ демонстрирует все признаки возрождения, заявил министр торговли Индии.

● Хитой Австралия билан 1975 йилда узилган ўзаро алоқаларни қайта тиклашга уринмоқда. Хитойлик дипломатлар давлат тоширириги билан норасмий равишда мулоқотлар олиб бормоқдалар.

● Румыния стала первой восточно-европейской страной, присоединившейся к программе «Партнерство во имя мира».

(По материалам печати, информационных агентств).

● ЯХШИ АНЪАНАЛАР — ҲАЁТИМИЗ КУРКИ

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Қуролли Кучларимиз ажойиб анъаналарга эга. Жумладан, Очиқ эшиклар кунини ўтказиш тадбирлари ҳам Мустақил Ўзбекистонимизнинг тинч ва осойишталик йўлида жанговар тайёргарлигини тинмай ошириб бораётган қисм ва бўлинмаларидаги серулум ва пурмаъно анъаналардан биридир. Келажак буюк Ватанимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, муқаддас бурчига содиқ жасур ҳимоячиларини тарбиялаб, воялга етказишда офицер командирлар билан аскарлар ота-оналарининг ўзаро якдил, кўмакдош, эзгу мақсад йўлида йўлдош бўлишларида ушбу тадбирларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Яқинда офицер Бахтиёр Ниёзалиев командирлик қилаётган ўқув бўлинмасида ўтказилган Очиқ эшиклар куни фикримизнинг ёрқин далили бўлиб, у учрашув қатнашчиларида унутилмас таассуротлар қолдирди. Қуйида учрашув ҳақида лавҳалар келтирамиз.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг деярли барча бурчакларидан, чунончи, Наманган, Фарғона, Жиззах, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятларидан таклиф этилган аскарлар ота-оналари, ёру дўстлари бўлинма ҳудудига ўзгача бир кайфият билан кириб келдилар. Бурчга содиқ аскар ўғлонларини бағриларига босган ота-оналарининг диллари нурафшон, кўнгиллари хушнуд эди. Офицер командирлар Очиқ эшиклар кунининг ҳар томонлама яхши ва самарали ўтиши учун ажойиб тадбирлар белгилаб қўйган эдилар.

Ўзига хос байрам бўлинма клубида ўтказилган тантанали йиғилиш билан бошланди. Бўлинма командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари катта лейтенант И. Орлов йиғилганларни «Хуш келибсиз, азизлар», деб илиқ сўзлар билан қарши олиб, тантанани очиб берди. У ўз нутқида мавсумий ўқув машғулотларидаги ёш аскарларнинг жанговар ютуқлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Офицер Б. Ниёзалиев етакчи аскарларга қимматбаҳо совғалар, ўн етти нафар аскарга пул мукофотлари топширди. Ташаккурномалар ўқиб эшитдирди. Шамсиддин Эргашев, Улуғбек Гуломов каби аскарларга Фахрий ёрлиқлар берилди. Тўққиз нафар оддий аскар — Ҳайдар Каримов, Иброҳим Исоқов, Алишер Раҳматов, Маҳаррам Мамедов, Дониёр Абдуллаев, Олег Ким, Баҳтиёр Бойқўзиев, Акобир Мўминов, Далаёр Эшонқуловларга дам олиш таклиф берилди.

Тантанага йиғилган кадрдонлари олдида қурол билан ҳаракат қилиш, уларни қисмларга ажратиб, қайта йиғиш кўрсаткичлари бўйича ўз кўникмаларини аъло даражада намойиш эта билган оддий аскарлар — Худоёров, Абдувоҳидов, Мамедов, Совриев, Тешаев, Нуралиевлар олқишларга сазовор бўлдилар. К. Курбатов, З. Очилов, Ҳ. Исмоилов, М. Абдумаликов, З. Қодиров каби оддий аскарлар эса заҳарли газдан ҳимояланиш мосламаларини кийиш бўйича нормативларни аъло даражада бажардилар.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама пухта тайёргарликка эга, жумладан, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишлари уларнинг аълочи жангчи бўлиб хизмат қилишларида муҳим омил эканлиги сир эмас. Х. Мирзалиев ва Х. Эргашевлар эркин кураш бўйича, С. Ҳолбоев, Ш. Саломов каби оддий аскарлар эса самбо бўйича турли усуллар намойиш этиб, жисмоний бақувватликларини амалда кўрсатдилар.

Аскар хизмати фақатгина жанговар тайёргарлик машғулотлари, ҳарбий Низом қоидаларини ўқиб-ўрганиш билан чекланмайди, албатта. Баркамол аскарни вояга етказиш учун маданий дам олиш соатларининг нечоғлиқ завқли ва унумли ўтишига боғлиқ. Ота-оналар бўлимларда бу борада ҳам ижобий силжишлар мавжудлигига шоҳид бўлдилар. Клуб саҳнасига чиққан бўлиманинг «Юлдуз» ансамбли қарсаклар билан қарши олинди.

Шунинг қувонарлиги, ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари оддий аскар Ф. Мавлоновдир. Хизматига эндигина икки ой бўлган Фаёз, нанки жанговар тайёргарлик бўйича, балки мусиқа санъати бобида ҳам кобилият эгаси эканлигини исботлай билди. Ҳозир ҳам тантана иштирокчиларига ўз рубобида ажойиб куй тараттиб, гуруҳ қатнашчилари аскарлар — Ш. Рахмонов (аккордеон), У. Савриев (доира), О. Солиев (иккахон хонанда)лар билан биргаликда «Мустазод», «Он» номли қўшиқларни маромига етказиб ижро этдилар.

Бўлинмада турли миллат вакиллари — ўзбек, рус, тожик, қозоқ, татар, корейс, дарий, азарбайжон, украин, немис ва қорақалпоқ йигитлари бир аҳил оиланинг фарзандлари каби дўст-тотувликда вижсонан хизмат қилмоқдалар. Шунинг учун капитан Н. Маметов Кавказ халқининг машҳур «Лезгинка» рақсини давомли қарсаклар остида ижро этди. О. Бобоев, А. Соколов ва А. Шермуҳамедов каби аскарлар ҳам ўз қобилиятларини намойиш этишди.

Тантана ниҳоясида меҳмонлар бўлинма ҳудудини айланиб ётоқхоналарга кириб, аскарлар учун муҳайё этилган шарт-шароитларни кўриб, командирларга қайта-қайта миннатдорчилик билдирдилар. Ҳарбий техника ва жанговар қуролдан фойдаланишни амалда намойиш қилган кичик сержант А. Трошин бошлиқ Ш. Турсунов, Б. Сатторов, Г. Бойқўзиев каби аскарлар Б. Ниёзалиев, В. Полискалин, О. Савватеев, У. Нурматов, У. Рўзибеков ва бошқа етук малакали мутахассис командирлари сабоқларини амалда моҳирона кўрсатдилар. Бундан ота-оналар беҳад хурсанд, дилдан ҳушнуд бўлдилар. Уларнинг кўнгилдаги самимий сўзлари ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Раҳматулла ака ва Эътибор опа, наманганлик аскар Баҳодир Набижоновнинг ота-онаси:

— Аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар тан, уларнинг жанговар тайёргарлик маҳоратига эга эканликларидан, энг муҳими, аъло кайфият, кўтаринки руҳ билан хизмат қилаётганликларидан мамнун бўлдик.

Ўйга қайтар эканмиз, ўғлимиз Баҳодиржоннинг хизматидан кўнглимиз хотиржамдир. Барча командирларига улкан миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз. Шунчалик шароит яратиб, аскарларнинг несиқ-совуқдан ҳамиша хабардор бўлиб турган командирларининг буйруқ ва вазифаларини бекаму кўст бажариш, тартиб-интизомли бўлиш учун ўғлимизга яна бир бор насиҳат қиламиз.

Нина Трошина тошкентлик, Андрей Трошининг волидаси:

— Ўғлим хизмат қилаётган бўлинмада Очиқ эшиклар куни ўтказилиши ҳақида ва унда қатнашиш учун Таклифнома олганимда беихтиёр юрагим гурурга тўлди. Андрейнинг Ватанимиз учун ҳақиқий посбон бўлиб воялга етганлигидан фахрландим. Офицер командирлар билан суҳбатда бўлганимда, уларнинг ўз касбига фидойилиги, аскарларга талабчан ва ғамхўр эканлиги маълум бўлди. Улар билан биз ота-оналар қанчалик кўпроқ мана шундай учрашувлар ўтказсак, ўзаро мулоқотда бўлсак, барча салбий ҳолларга чек қўйилишида, ўғлонларимизнинг етук малакали аскар бўлиб етишишларида янада ижобий силжишларга эришишимиз табиий, деб биламан. Очиқ эшиклар кунини ташкил этган бўлинма командирларига чексиз миннатдорчилигимиз изҳор қиламан. Соғсаломат бўлишсин, мураккаб жанговар тайёргарлик ишларида ютуқлар, оилавий бахт-саодат тилайман.

Шунингдек, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридан ташриф буюрган Раъно Эгамбердиева, Жиззах вилояти Дўстлик районидан Шароф Мамаражапов, Наманган вилояти Норин районидан Шарафиддин Болтабоев, Самарқанд вилояти Қўшработ районидан Бойҳўроз Эшотов, Бухоро вилояти Қоракўл районидан Ҳамроқул Арашев, Тошкент вилояти Бекобод районидан Лилия ва Тоҳир Гапаров каби ота-оналар аскарларга бўлган катта эътибордан беҳад хурсанд бўлганликларини айтиб, ана шундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш фикрини билдирдилар.

Офицер Б. Ниёзалиевдан Очиқ эшиклар куни тадбиридан кўзланган мақсад қай даражада рўёбга ошганлиги ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Бўлинмамизда мунтазам ўтказилиб келинаётган шу каби тадбирлар анъанага айланиб қолган, — дейди Б. Ниёзалиев. — Ота-оналар билан учрашувимиз аввалгиларига нисбатан мазмунлироқ ва унумлироқ ўтказилаяпти. Бу сафарги Очиқ эшиклар кунимиз ҳам кўнгилдагидек ўтди, десам ҳато бўлмайди. Кўзлаган мақсадимиз — ота-оналарга фарзандлари қандай хизмат қилаётгани қисқа вақт ичига начоғлик жанговар тайёргарлик маҳоратларини эгаллаганликларини амалда кўрсатиб, бевосита намоён этиш, бўлинма билан ота-оналар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, барча муаммоларни биргаликда ҳамжиҳатлик билан ҳал этиш, аскарларни ватанпарварлик, тартиб-интизом ва бурчга садоқат руҳида тарбиялашда якдил бўлишга эришишдан иборат эди. Ўйлайманки, ушбу вазифа кўнгилдагидек амалга оширилди.

Шу ўринда ўз мулоҳазамни айтиб ўтишни жоиз, деб биламан. Мана шундай фаол учрашувларда маҳаллий ҳокимият, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам фаол иштирок этсалар, қисм ва бўлинмаларни оталиққа олиб, тез-тез ташриф буюриб турсалар, аскарларнинг хизматлари ва муаммоларидан бохабар бўлиб, офицер командирлар билан узвий ҳамкорликда иш олиб борсалар, нур устига аъло нур бўлар эди.

Офицер Б. Ниёзалиевнинг гаплари ҳақ. Зеро Мустақил Ватанимиз ҳудудий яхлитлиги, тинчлик ва осойишталигини ҳимоя этиш фақатгина Қуролли Кучларимиз шахсий таркибининггина эмас, шу билан бирга Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчи ҳамдир. Армия ва халқнинг тўла якдиллигига эришибгина, эзгу мақсадимизга рўёбга чиқара оламиз. Бунда Очиқ эшиклар куни каби тадбирларнинг аҳамияти чиндан-да беқиёсдир.

Лейтенант У. ХАМИДОВ
Суратда: бухороли оддий аскар Шуҳрат Бобоқулов волидаси Зулфия Юнусова билан учрашув чоғида.
В. ЛЕШЧЕНКО суратга олган.

АРМИЯ—ҲАЁТ МАКТАБИ

● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Она-Ватанимиз замини узра тинчлик ва осойишталикнинг ҳамиша барқарорлиги, Мустақил Давлатимизнинг буюк келажак йўлидаги равнақи, кўп миллатли байналмилал халқимизнинг фаровон ҳаётини таъмин этишда Қуролли Кучларимизнинг аҳамияти каттадир. Айни, қисм ва бўлинмалар шахсий таркибининг жанговар тайёргарлик маҳоратларининг ошиши, она-юртга меҳр-муҳаббат туйғуларининг яна-да юксалиши, халқимиз, Президентимиз олдидаги ҳарбий Қасамёдларига содиқ қолиб, Ватан ҳимоясидай муқаддас бурчларини шараф билан бажаришлари— эзгу мақсадимизни амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Мавсумий ҳарбий хизматга чақирув жараёнида халқимизнинг мард ўғлонлари аскарлик хизматига катта иштиёқ билан йўл олаяптилар. Ёш аскарлар ғамхўр ва талабчан офицерлар командирлик қилаётган қисм ва бўлинмалар сафларини тўлдириб, жанговар техникани бошқариш, қуролдан фойдаланиш сирларини, ҳарб илми бобида назарий ва амалий билимларини чуқур ўзлаштириб, маънавий тафаккурлари ва жисмоний тайёргарликларини мустаҳкамлашмоқдалар. Ҳарбий Низом қоидаларига пухта амал қилиш, командирлар топшириқларини виждонан бажариш, тартиб-интизомли бўлишни одат қилмоқдалар.

«Ватанпарвар» мухбирлари ўтган йили Термиз гарнизонида хизмат сафарида бўлиб, ҳарбий хизматга чақирилган қатор ёш аскарларни ўзига хос оталиққа олиб келган эди. Кўзланган мақсад — ёш аскарларнинг ҳарб илми сирларини қандай эгаллаб боришлари, жанговар техника ва қуролдан фойдаланиш маҳоратларини юксалтиришдаги интилишлари, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик борасидаги билимларининг ўсиши, қисқа қилиб айтганда, ёш аскарнинг Ватанимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта меҳнатини ҳимоя эта олишга қодир мард ва идрокли посбон бўлиб етишиш жараёнини мунтазам эътиборда сақлаб, газетамиз саҳифалари орқали ёритишдир. Қуйида, ўтган йилнинг кузида ҳарбий хизматга чақирилиб, Термиз гарнизонида жанговарлик маҳоратларини тинмай ошириб бораётган оддий аскарлар — Р. Раҳмонов, С. Егоров ҳамда Р. Акчуринлар хизматлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

ВАТАН ҲИМОЯСИ—МУҚАДДАС

ЕТАКЧИЛАРДАН ЎРНАК ОЛИБ

Шуҳратнинг аскарлик хизмати Афғонистонда ўтди. Механик-ҳайдовчи мутахассислигини пухта эгаллаган Шуҳрат танк бошқарди. Жасур аскар икки йиллик мураккаб хизмати давомида сафдошларига ҳар томонлама намуна бўлди. Рустам барча яқинлари каби Шуҳратнинг ҳарбий хизматдан соғ-омон келишини интизор кутарди... Шуҳрат ота-онаси, барча яқинлари билан кўришиш учун қучоқ очди, лекин узатилган кўллар сиқилмай қолди. Қўлига ўқ тегиб бармоқларидан айрилган эди.

Бироқ, унинг юзи ёруғ, виждони бут эди. Аскарлик хизматидан ногирон қайтган Шуҳратнинг кўзидаги қувонч — мустаҳкам ирода, ўз йигитлик шаънини ҳамиша баланд тутиш ифодаси эди, аслида. Идрокли Рустамга бу воқеа катта сабоқ берди. Йигит жасур, ирода, ғурурли бўлиб, ҳар қандай вазият бўлмасин, шаънига гард юқтирмаслиги лозимлигини у яхши англаб етди.

Ватанга меҳр-муҳаббат, ҳарбийликка бўлган иштиёқ туйғуси Рустамни офицер бўлиш мақсади сари етаклади. Ўз ҳаёт йўлини аниқ белгилаб олган Рустам орзусини рўёбга чиқариш йўлида пухта тайёргарлик кўрди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлади.

— Самарқанд автомобилчи муҳандис-командирлар олий ҳарбий билим юртига кириш имтиҳонларини топшириш жараёнида шу нарса равшан бўлдики, — дейди оддий аскар Р. Раҳмонов, — офицерлик касбини эгаллашни ният қилган ҳар бир йигит нафақат маънавий, шу билан бирга жисмоний жиҳатдан ҳам баркамол бўлиши зарур экан. Курсант бўла олмаганлигим сабаби ҳам қисман ана шунда эди. Ҳарбий хизматга чақирилган пайтимдаги шоҳликларимнинг туб негизларидан бири — аскарлик хизматим мобайнида тўла жисмоний баркамолликка эришиш истаги эди.

Айни пайтда, офицер Шокир Жўраев командирлик қилаётган қисмда хизмат бурчини ўтаётганлигимдан беҳад бахтиёр сезаман, ўзимни, Бойси, шахсий таркибимиз спорт билан дўст тутинган офицеру аскарлардан иборатдир. Жумладан, командиримиз Ш. Жўраевнинг ўзлари ҳам яккакураш бўйича спорт устаси. Шокир ака-биз учун жанговар тайёргарлик, маънавий камолот, маданиятлиликда, шунингдек, жисмоний баркамолликда ҳам ёркин намунадир.

Самарқанд районидан ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Р. Раҳмонов хизматнинг илк дамларидаёқ ўзининг тиришқоқлиги, интилувчанлиги билан командирлар ва сафдошлари ҳурматини қозона билди. Ҳар бир ёш аскар учун биринчи синов — эрталаб барвақт туришдан бошланади. Рустам взвод командири ўринбосари сержант Ф. Маматовнинг «Подъем!» деган буйруғи жаранглаши биланоқ, чаққон ўрнидан туриб, зум ўтмай спорт майдони атрофида аввалига тўрт маротаба, сўнг ҳар куни бир айлана ортиқ югуришни одат қилди. Ушбу машғулотдан сўнг турникда тортилиб, қўл мушакларини чиниқтира борди.

— Ҳар куни эрталабки жисмоний машғулотдан сўнг ўзимни ниҳоятда енгил ҳис қиламан, ҳамиша кайфиятим кўтаринки бўлади, — дейди Рустам. — Бу эса жанговар тайёргарлик машғулотларида командирлар томонидан қўйилган барча вазифаларни кўнгилдагидек бажаришимда асосий омиллардан бири бўлаяпти.

Ҳарбий Қасамёд қабул қилиш дамлари нафақат ёш аскар учун, балки ота-она учун ҳам унутилмас, ҳаяжонли онлар эканлиги маълум. Шу боис, ушбу тантанага бағишлаб ўтказиладиган учрашувда қатнашиш учун бўлинма ёш аскарлари ота-оналари ҳам таклиф қилинди. Бундан огоҳ бўлган Рустам вақт ўтказмай, рота командирига ота-оналарни таклиф этиладиган аскарлар рўйхатидан унинг исм-шарифини ўчириши илтимос қилди. Ҳайрономуз қараб колган рота командирига Рустам шундай деди: «Оилада олти нафар фарзандмиз. Ота-онам (Эркин ака ва Зулфия опа) пенсиядалар. Уларнинг мендан бошқа ҳам ташвишлари етарли. Мен нафақат ҳарбий Қасамёд қабул қилиш тантанасига, ҳаттоки уларнинг оддий кунларда ҳам мени кўриш учун келишларини хоҳламайман. Зеро, менинг яхши хизматим — уларнинг хотиржамлиги ва қувончидир!» Ўз бурчига бўлган садоқат, ота-онага бўлган меҳр-муҳаббатга бундан ортиқ изоҳ бериш мушкул!

Қишки мавсум ўқув машғулотларини сафдошлари каби оддий аскар Р. Раҳмонов ҳам яхши кайфият билан бошлади. Техник ва тактик, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарлик машғулотларида зўр иштиёқ билан қатнашмоқда. Тартиб-интизом борасида етакчи сержант ва оддий аскарлардан ўрнак олиб, улардай ҳурмат-эътиборли бўлишга интилмоқда.

Рустамнинг аскарлик хизматига эндигина тўрт ой бўлган эрса-да, у ўз мақсади сари астойдил ҳаракат қилмоқда. Ҳарбий хизмати якунлангач, Самарқанд автомобилчи муҳандис-командирлар олий ҳарбий билим юртига албатта ўқишга кириб, келажакда офицер бўлишдай эзгу нияти йўлида, у ҳозиранок пухта ҳарбий билим ва малака эгаси бўлиш учун катта иштиёқ билан хизмат қилмоқда.

КОМАНДИРЛАР ЎГИТИ ДАСТУРУЛАМАЛДИР

В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Александр Сергеевич Егоров ўғлини ясидай муқаддас бурч, унга, улкан меҳр-муҳаббат, тартиб-интизом ва ўзаро иноқтотувлик туйғулари мужассамлаштирган. Аскарлик мажбуриятларини тўла англаб, ҳарбий Низом қоидаларига пухта амал қилаётган бўлинма жамоасида қолоқ аскарлар, деган тушунча ёт.

Табиийки, эндигина ўз хизматини бошлаган ёш аскарларнинг барча талабларга жавоб беришлари мушкул, албатта. Етук малакали аскар бўлиш учун сабот билан меҳнат қилиш, ўқиб-ўрганиш, амалий кўникма ҳосил қилиш лозим. Жамоадаги ёш аскарларга ана шу нуқтаи назар билан ёндашилиб, уларнинг ҳарбий касб сирларини мукаммал эгаллашларида бўлинма барча аъзоларининг бир тану жон бўлиб, астойдил кўмак беришлари Сергейни бениҳоя қувонтирди.

Натижада, Сергей ҳам сафдошлари қатори қишки мавсум ўқув машғулотларида кўтаринки руҳ билан қатнашиб, яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Бунда взвод бўлинмаси командири сержант Р. Усмоновнинг ёрдамлари, айниқса, эътиборга моликдир.

ҳарбий хизматга кузатар экан, унинг Сергейдан кўнгли тўқ эди. Зеро, рафиқаси Вера Ивановна Петрова, Тошкент гарнизонидаги бўлинмада ҳарбий хизматчи бўлиб меҳнат қилаётганлиги туфайли, ҳарбий ҳаёт ҳақида гап кетганида, ҳозир Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби учун барча шарт-шароитлар муҳайёлиги, қисм ва бўлинмаларнинг командирлик лавозимларида хизмат қилаётган етук малакали офицер кадрларнинг тобора кўпчиликни ташкил этаётганлиги, улар аскарларга ниҳоятда ғамхўр ва эътиборли эканликлари, қоларверса, вилоят, шаҳар ва район ҳокимликлари томонидан оталиқ ишларининг кучайиши натижасида аскарларнинг маданий дам олиш соатлари кўнгилдагидек ўтаётганлиги ҳақида катта эҳтирос билан сўзлаб берарди. Аскарлар орасида миллат ажратиш йўқлиги, улар ўзаро аҳил ва иноқлик билан дўстона, ака-укадай муносабатда бўлиб, Ватанимиз ҳимоясига маҳкам бел боғлаганликларини такрор қайд этар эди.

Ҳарб илмини қунт билан эгаллаётган оддий аскар С. Егоров онаси Вера Ивановна сўзларининг буткул ҳақлигига тўла ишонч ҳосил қилмоқда. Бойс у хизмат қилаётган бўлинмадаги ўзбек, рус, татар, қозоқ, қирғиз, корейс, тожик каби миллатларга мансуб аскарларни она-Ватанимиз ҳимоясидай муқаддас бурч, унга, улкан меҳр-муҳаббат, тартиб-интизом ва ўзаро иноқтотувлик туйғулари мужассамлаштирган. Аскарлик мажбуриятларини тўла англаб, ҳарбий Низом қоидаларига пухта амал қилаётган бўлинма жамоасида қолоқ аскарлар, деган тушунча ёт.

Табиийки, эндигина ўз хизматини бошлаган ёш аскарларнинг барча талабларга жавоб беришлари мушкул, албатта. Етук малакали аскар бўлиш учун сабот билан меҳнат қилиш, ўқиб-ўрганиш, амалий кўникма ҳосил қилиш лозим. Жамоадаги ёш аскарларга ана шу нуқтаи назар билан ёндашилиб, уларнинг ҳарбий касб сирларини мукаммал эгаллашларида бўлинма барча аъзоларининг бир тану жон бўлиб, астойдил кўмак беришлари Сергейни бениҳоя қувонтирди.

Натижада, Сергей ҳам сафдошлари қатори қишки мавсум ўқув машғулотларида кўтаринки руҳ билан қатнашиб, яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Бунда взвод бўлинмаси командири сержант Р. Усмоновнинг ёрдамлари, айниқса, эътиборга моликдир.

Оддий аскар С. Егоров ғамхўр ва талабчан командирларнинг ҳар бир ўгитларини дастуруламал билиб, уларни пухта амалга оширар экан, ҳарбий билим ва амалий кўникмасини муттасил ошириб бораяпти.

— Виждонан амалга оширилган меҳнатдан киши ҳамиша роҳат қилади, — дейди Сергей биз билан суҳбатда, — Сафда ва якка юриш машқларидан тортиб, жанговар дала-ўқув машғулотларига қадар тайёргарлик жараёнида имкон даражада кўпроқ билим ва кўникма ўзлаштиришга ҳаракат қилаяпман. Командиримиз, лейтенант Ф. Иргашевнинг жонкуярлиги, айниқса, ҳурматга лойиқдир. Етук малакали мутахассис офицер биз — ёш аскарларга ҳар биримизнинг қобилиятимизни эътиборга олган ҳолда топшириқ ва вазифалар қўлди. Камчилигимизни ётиги билан бафуржа тушунтириб, уни бартараф этиш йўлларини қунт билан ўргатади.

Ҳар бир аскар ҳар томонлама намунавий бўлмоғи лозим. Масалан, ҳарбий техникани бошқариш, қуролдан фойдаланиш сирларини пухта ўзлаштириб, яхши кўрсаткичларга эришаётган намунали аскарлар ўз обрўсини суъистеъмол қилмайдилар. Яъни «мен етакчи аскарман, эрталабки жисмоний машғулотга чиқмасам ҳам бўлади», қабилида иш тутмайдилар, бўлинмадошларини куттириб қўйиб, сафга эринчоқлик билан қўшилишни хаёлга ҳам келтирмайдилар. Сафдошлари жарангдор овозда ҳарбий ватанпарварлик туйғуси мужассамлашган ажойиб қўшиқларни шаҳдам қадамлар босиб куйлаб кетаётганларида, қўшиқ айтмаслик ёки қалам ростлаб юрмаслик каби масъулиятсизликка йўл қўймайдилар. Етук малакали аскар ҳамиша ўз обрўсини асраб-авайлайди.

Шуни мамнуният билан қайд этишни истардимки, бизнинг бўлинмамизда етакчи аскарлар кўп. Юксак кўтарган бир шиоримиз бор. Ҳар бир аскар жанговар ўқув машғулотларида ҳам, ижтимоий-сиёсий тайёргарликда, жисмонан чиниқишда ҳам, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат-эътибор, камтаринлик ва масъулиятлилик борасида ҳам барчага намуна бўлсагина, етакчи аскардай шарафли ном эгаси бўлишга ҳақлидир. Командиримиз ҳарб илмидан сабоқ берар экан, айнан шу ўгитни ҳар биримизнинг онгимизга, юрак-юрагимизга сингдиришга эришиб келмоқдалар.

ИНТИЛУВЧАН АСКАР

Жанговар машина командири сержант С. Пак оддий аскар Р. Акчуринининг техникага бўлган иштиёқини илгаб, уни ўз оталигига олди. Шахсий таркиб жанговар тайёргарлигининг асоси бўлмиш ҳарбий техникани бошқариш сирларини пухта эгаллаш йўлида қунт билан сабоқ бера бошлади.

Рафаэль машғулот пайтида бутун диққат-эътиборини жамлай олиши, ҳар бир ўқув қисми бўйича алоҳида дафтар тутиб, зарур техник маълумотларни мунтазам ёзиб бориши, буткул тушуниб етмагунга қадар сўраб-суриштириши, қисқаси — ўз интилувчанлиги билан кичик командирнинг ҳурматига сазовор бўляпти.

— Ҳизмат даврим мобайнида кўп ёш аскарларга сабоқ бердим, — дейди сержант С. Пак. — Жанговар техникага ихлос қўйган аскарларга, энг асосийси — зудлик билан машинани бошқариш эмаслигини уқтириб келаяпман. Зеро, ҳарбий техникадан фойдаланиш деганимизда, фақатгина уни бошқаришни тушуниш хатодир, аслида. Мен жанговар машина командири сифатида аскарларга маълум ҳарбий техника ҳақида батафсил маълумот беришим, унинг нималарга қодир эканлиги ва буни қандай амалга ошириш лозимлигини уқтиришим, таъмирлаш ва оқилона фойдаланиш сирларини ўргатишим, жанговар ҳолатда унумли ҳаракат қилиш малакаларини оширишим даркор ҳамда ҳар бир механик-ҳайдовчи аскар буларни чуқур ўзлаштириб олмоқлари шарт. Рафаэлнинг айнан шунга интилиб хизмат қилаётганлиги кишини қувонтиради.

Аскар жамиятда бўлаётган сиёсий-иқтисодий ва маданий янгиликлардан ҳамиша бохабар бўлиб бормоғи лозим. Ҳукуматимиз ва Президентимизнинг Қонун, Қарор ва Фармойишлари, Қуролли Кучларимиз вазирлиги томонидан берилган турли кўрсатмалардан ўз вақтида огоҳ бўлиб, аъло хизматлари билан акс-садо бермоғи даркор. Оддий аскар Рафаэль Акчурин фақат жанговар тайёргарлик машғулотларидагина эмас, шу билан бирга ижтимоий-сиёсий ўқув соатларида ҳам командирлар олқишига сазовор бўлаётган сафдошлари қаторидан жой олмоқда.

Тошкент шаҳар Юнусобод районидан ҳарбий хизматга чақирилган Рафаэль тантанали равишда ҳарбий Қасамёд қабул қилаётганида, фарзандининг Ватанимиз учун қобил йигит бўлганлигидан бахтли энтиқиб турган ота-онаси — Али ака ва Феруза опанинг кўзларида, фарзандининг Ватани-Зеро, Ватан ҳимояси муқаддас бўлиб, уни шараф билан бажараётган ўғлонларнинг ота-оналари чиндан-да бахтлидир.

МУҚАДДАС

Ушбу ҳикоямиз Ўзбекистонимиз тинч ва осойишталигини кўз қорачиғидай авайлаб, вужудида юртга меҳр-муҳаббат туйғуси тўлиб-тошган мингларча посбонларнинг ўз жанговар тайёргарлигини ошириш йўлидаги улкан хизматларидан бир шингил холос. Қуролли Кучларимиз сафларидаги мард аскарларнинг жанговар, касбий малакаларини мукаммаллаштириш, тартиб-интизомли, иззат-ҳурматли бўлишга иштиёқлари баланд. Улар қишки мавсум ўқув машғулотларининг масъулиятли синовларидан шараф билан ўтиб, Ватанимиз, халқимиз олдида юзлари ҳамиша ёруғ, виждонлари пок бўлишига шак-шубҳа йўқ. Зеро, уларнинг аъло хизматлари ана шундан далолат бермоқда.

Лейтенант Ш. ИКРОМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Суратлар муаллифи А. МАНТРОВ.

● ИСПОВЕДЬ ОСУЖДЕННОГО

«НЕ СПЕШИТЕ ХЛОПАТЬ ДВЕРЬЮ...»

Размеренную армейскую жизнь нет-нет да и будоражат случаи самовольного оставления солдатами и сержантами воинских коллективов. Против тех, кто не выполняет должным образом свой конституционный долг, вполне понятно, возбуждается уголовное дело. Осужденный отбывает наказание в дисциплинарном батальоне...

По долгу своей службы в течение нескольких лет я работал в Самаркандском военном трибунале. Поэтому хочу поведать читателям рассказ одного из осужденных. Надеюсь, эта исповедь послужит хорошим уроком для тех, кто, может быть, еще подумывает о том, чтобы самовольно оставить часть, а значит, пойти против закона.

Глухие железные ворота. Внушительное ограждение. Строгий контроль, проверка документов, пристальный взгляд часового на вышке...

Один шаг, и ворота позади тебя закрываются. Таков конец пути для тех, кто прибывает сюда под конвоем после суда военного трибунала.

Наш разговор с осужденным рядовым Степаном Игнатенко, крепким, высоким парнем, поначалу не клеился. Он смотрел на стол, на оконные решетки, хмурился, проводил рукой по наголо остриженной голове. Лишь когда вспомнил о доме, куда он должен был вернуться еще год назад, о родителях, Игнатенко вдруг оживился, заговорил.

— Трудно об этом говорить, но все же расскажу, что случилось со мной. Может, кому-то это пойдет впрок, и не попадет он, как я, вот сюда, в сущности — за решетку...

Я заканчивал службу и строил планы, от которых кружилась голова. И в институт хотелось пойти учиться, и на завод тянуло. Ребята писали, звали в бригаду. Представлял, как пройдусь в форме рядом с отцом по улице, как мать обрадуется, побежит по соседям: «Мой-то вернулся, не узнаешь!».

Но все мои планы лопнули, как мыльный пузырь.

В один из дней, хлопнув дверью, самовольно оставил часть и уехал к знакомым, где пробыл несколько суток. Меня разыскивали. Нашли. Все всплыло. Взяли под стражу. Началось следствие. Выкручивался как мог, обманывал, придумывал всякие версии в разговоре со следователем. Не помогло...

За время, которое провел здесь, в дисбате, многое передумал. Но почему-то чаще всего вспоминается приезд матери — когда еще в роте служил. Тогда как раз проходил развод на занятия, а меня под конвоем, как преступника, с гауптвахты ведут. У КПП — мама. Вот так, на виду у всех, мы и встретились. Мама была какой-то растерянной, жалкой, лицо почерневшее. Шагнула навстречу и как на стенку натолкнулась: конвой. Тихо прошептала: «Это ошибка, правда, сынок?» Что я мог ответить? Хотелось, ох, как хотелось крикнуть: «Поверь, мама! Все будет хорошо». Броситься навстречу, обнять, успокоить. Но горло сжало. И ничего не изменить — ведь было, было...

Потом суд. Все, как во сне. Судят преступников, а я к ним какое отношение имею? Это сейчас понимаю: роковой шаг сделал, самовольно оставил место службы. Отрезвлением стали прозвучавшие в зале суда слова, словно ледяной водой меня окатившие: «Именем закона... лишить свободы сроком на год и шесть месяцев...»

Сразу возникло чувство, будто между мной и теми, кто в зале, стена, нет, целая пропасть пролегла. Чужой...

Когда после приговора из зала выходил, себя ненавидел и на сослуживцев обиду держал: здесь, на суде, все правильно говорили, а в казарме почему-то молчали, почему-то никто не остановил... Особенно злился на близких мне товарищей. Не подумайте, что я хочу на кого-то свою вину свалить. Нет, сам должен был голову на плечах иметь.

А были ли в роте случаи самовольных отлучек? Знал ли кто об этом? Случались. Знали многие. Те же наши активисты. Знали и трусливо молчали, делали вид, что ничего не замечают. А на собраниях соловьями заливались о честности.

Вот сижу здесь и думаю: если бы кто-то из них тогда к командиру пошел, правду рассказал, вряд ли дальше продолжалось бы подобное, а уж до оставления части наверняка дело не дошло бы. И до решетки не докатился бы... Ведь попустительство затягивает, как трясина.

Правда, наш комбат чувствовал неладное. Часто в роту заглядывал. Говорил с солдатами, сержантами, вызывал на откровенность. Но все помалкивали. И со мной он беседовал, а я смотрел ему в глаза и... лгал. И про коллектив сплоченный, и что о «самоволках» слыхом не слыхал. Уловил он, видимо, тогда эту фальшь и с досадой заметил: «Предостеречь хочу — с огнем играете». А ночью только дверь за офицерами закрылась, мы с дружком ушли в самовольную отлучку. Перед комбатом мне стыдно. Часто о нем думаю и о том, как подло поступал.

С тех пор прошел год. И все равно нелегко вспоминать о прошлом. Еще труднее, чтобы тебе поверили, чтобы ты душой выпрямился. Нам часто напоминают, что дисбат для таких, как я, становится как бы точкой отсчета другой жизни — как поворот в судьбе, как прививка от эгоизма, безрассудства, нравственной тупости. Наверное, это правильно.

Если бы вы знали, как хочется вернуть себе доброе имя, но как? Увы, не вернешь...

Не так давно вызвали меня в комнату посетителей для встречи с матерью. Жду, а между делом рассматриваю стенды. Вдруг входит какая-то женщина. Поначалу я и внимания не обратил — старухой она мне показалась, но вздрогнул, когда она позвала меня. Матери не узнал... Когда настало время прощаться, у нее случился приступ астмы. Дрожащей рукой достала из сумки лекарство. И кашляла, кашляла. Со страхом подумал я тогда: а успею ли заслужить ее прощение? Вот так-то...

П. НАГОРНЫЙ,
нештатный корреспондент газеты «Ватанпарвар».

● СПРАШИВАЛИ — ОТВЕЧАЕМ

ХОЧУ СЛУЖИТЬ ПО КОНТРАКТУ

Пишет вам бывший старшина учебной роты. После окончания срочной службы меня уволняли с почестями и похвалой за добросовестное выполнение воинского долга. Приехал домой, побыл без дела два дня и понял, что не могу без военной службы. Мне 20 лет, и я хотел бы устроиться на сверхсрочную службу. Куда идти? Протяните руку помощи!

Р. ГИМАДИЕВ,
старшина запаса.

г. Андижан.

С письмом старшины запаса Рината Гимадиева наш корреспондент обратился в Министерство обороны Республики Узбекистан. Здесь разъяснили, что прием (поступление) на военную службу по контракту осуществляется в строгом соответствии с законом Республики Узбекистан «О всеобщей воинской обязанности и военной службе».

Бывшему старшине, как и любому другому молодому человеку, необходимо обратиться к командиру избранной войсковой части, имея на руках военный билет и документы, удостоверяющие владение той или иной военной специальностью. При наличии свободных штатных должностей, если он соответствует необходимым профессиональным требованиям, командир даст отношение в отдел по делам обороны, где военнообязанный стоит на учете, который по согласованию с Министерством обороны и осуществит его призыв на сверхсрочную службу.

Более подробные сведения желающие служить по контракту всегда могут получить в ближайшем отделе по делам обороны.

● ТУРКИСТОН САРКАРДАЛАРИ

ЁҚУББЕК БАДАВЛАТ

(Давоми. Боши газетанинг 11 ва 14-сонларида).

БУТУН Европага донги кетган зукко шарқшунос, тадқиқотчи, жасур сайёҳ ва ўткир разведкачи Герман Арминий Вамбери узоқ сафарлари давомида мусулмон эллари ва уларнинг ҳукмдорлари билан яқиндан танишган ҳамда уларга таъриф берган. У барча Шарқ ҳукмдорлари орасида энг жасури, доноси ва истиқболи порлоғи — Ёқуббек Бадавлат экани ҳақида ёзган.

Чиндан ҳам унинг ҳукми остидаги Еттишаҳар аҳолиси ўзаро жанжал-урушларсиз тинч ва осуда яшаган. Ёқуббек мамлакат фаровонлиги учун қайғуриб, ободончилик ишларини амалга оширди. Масжид ва мадрасалар бино қилди. Қашқар марказидаги Ҳайтгоҳда у қурдирган масжид ҳозирда ҳам ўзининг меъморий кўрки билан савлат тўкиб, сайёҳлар диққатини жалб этади.

Рус генераллари истеъдодли саркарда Ёқуббек билан тўқнашишдан ҳайиқишган, шунинг учун унинг ҳаётлигида улар Ғулжадан нари чегарани бузишга ҳадлари сиғмаган. Мустамлакачилар Ёқуббек ҳузурига Бухоро, Қўқон ва Хивадан уларга қарши урушларда қатнашган кишилар келиб туришини яхши билишган. Еттишаҳар ҳукмдори озодлик учун курашаётган барча ўзбек хонликларидаги ватанпарварларга илҳом ва даъваткор кучлигини тушинишган.

Туркистон генерал-губернатори жиддий иш бошлашдан аввал ўзининг қудратли қўшнисини чалгитишга уринган. Хива хонлигини босиб олиш режаси тайёрланганда у Ёқуббек ҳузурига ўлкашунос олим, капитан барон Каулбарс бошчилигидаги элчиларни жўнатди. У Ёқуббек билан Россия ўртасида ўзаро ҳамкорлик, савдо-сотиқни кенг йўлга қўйиш ва дипломатик алоқа бўйича шартномани ўзи билан олиб келди.

БИР-бирига қондош, эл-дош, қуда-анда Шарқий Туркистон ва Ғарбий Туркистон халқларининг ўзаро яқин алоқасидан манфаатдорлигини билган мустамлакачилар Еттишаҳар ҳукмдорининг киндик қони тўкилган Пискентни қўмсашини ҳам ҳисобга олишган. У, албатта, она юртида қолган қариндошларини ўйлайди, уларга совға-саломлар юборади. Пискент эса Сирдарё вилоятининг бир ноҳияуезди.

Чиндан ҳам Ёқуббек масаланинг бу томонини сира унутмаган. Она-юртини мустамлакачилардан тозалаш учун, у кучли давлатни барпо қилган, ягона Туркистон истиқлоли — унинг эзгу орзуси эди. Ана шу орзу йўлида у муросаи мадора қилишга мажбур.

Барон Каулбарс элчилиги иззат-икром ила Қашқарда кутиб олинди. Ёқуббек Россия билан шартномага имзо чекди. Бу сиёсий бир тадбир бўлиб, у она-юрти Туркистондан хабардор бўлиб туриш, ундаги ватанпарвар кучларга ёрдам беришда нажот дарвозасини очишга имконият берарди.

Генерал Кауфман 1873 йили Хива хонлигини босиб олганидан сўнг, Ёқуббек атрофида душман халқаси торайди. Ана шундай бир пайтда унинг ҳузурига Дуглас бошчилигидаги инглиз элчилиги келди. Ўрта Осиёдаги катта мулкларни босиб олган Россияга қарши Англия Ёқуббекни отлантириш ва унинг қўли билан Буюк Британия мақсадларини, яъни Осиёда инглиз таъсирини ўтказишга интилди.

ЁҚУББЕК бир томонда Хитой империяси, иккинчи томондан Россия империяси сингари икки катта давлат ўртасида, икки баҳайбат қоя орасида турганини яхши билиб, учинчи қудратли империя — Англия мададини олишга интилди. Форсайт билан савдо-сотиқ ва ўзаро ёрдам ҳақидаги шартномани имзолади. Энди Англия унга қўшлаб миқдорда қурол-яроғлар етказиб бера бошлади. Туркия султони унинг қўшинига бир гуруҳ турк зобитларини юборди.

Ёқуббек Шарқий Туркистоннинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаган ҳолда мамлакат иқтисодиётини кўтариш, савдо-сотиқни ривожлантириш ҳамда халқ фаровонлигини ошириш йўлида шундай ажойиб ишлар қилдики, уларнинг самараси — унинг номига «Бадавлат» сўзи қўшилгани билан изоҳланади.

У тарихга оддий амир эмас, балки бой давлат бошлиги — «Ёқуббек Бадавлат» сифатида кирди. Буни унинг душманлари ҳам тан олишган. Россия армияси бош штаби полковниги Д. В. Путятанинг Хитойга бағишланган асарида Ёқуббек ҳукмронлигига тўхталиб, «1872 йилдан унинг доно бошқаруви натижасида Шарқий Туркистон узоқ вақтдан бери ҳали кўрмаган осойишталикка эришди», деб ёзгани бежиз эмас.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент, Абдулла Авлоний мукофоти совриндори.
(Давоми бор).

● 1994 ГОД — ГОД СЕМЬИ

„ПОЙДУ В БРИГАДУ ОТЦА!“

— сказал 16-летний Шухрат Саматов. Так и поступил. Несмотря на довольно юный возраст, особых раздумий в выборе жизненной профессии у него не было: пример родителей и старших братьев стал для юноши путеводной звездой.

О семье бригадира Абдуллы Саматова из стройуправления «Максад», которое входит в состав ЭПО «Сифат», расскажем ниже. А в начале некоторое отступление. Один мудрый человек, когда его спросили, что требуется для хорошей, слаженной работы коллектива, предельно лаконично ответил: традиция.

Да, чтобы хорошо и четко работать, нужна именно традиция, то есть опыт, привычка, ставшая потребностью, — работать хорошо. Нарушилась традиция — и работа пошла, как говорится, наперекосяк, через пень-колоду. Так что большое это дело — создать традицию. И касается это не только работы, но и нашей истории, культуры, повседневной жизни, в том числе и семейной. Кому не известно, что согласие, добрые взаимоотношения в семье в огромной степени зависят от традиционного уклада народной жизни, от тех обычаев и правил, которые передаются от деда к отцу, от отца к сыну, точно так же, как и по женской, материнской, линии.

Что и говорить, слово «семья» произносится торжественно. Употребляем мы его и по отношению к трудовому коллективу. Скажем, пришел в армию юноша, и в беседе с ним командир выясняет, что воспитывала молодого человека не только семья дома, но и трудовая семья. И это звучит достоверно, так как в рабочих традициях немало такого, что присуще традициям семейным. Например, уважение к старшим, шефство над младшими, наставничество, овладение трудовыми навыками.

Примечательно, что в становление семейных традиций, в укрепление семейных династий большой вклад вносят наши молодые люди: очень часто, работая перед армейской службой рядом с отцом, братом, они после армии возвращаются в ставший родным трудовой коллектив, продолжая семейные традиции в наследовании профессий.

